

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 сентябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 180 (928)

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Ўзаро келишувга мувофиқ, шу йилнинг 14-15 сентябрь кунлари Фаластин Давлатининг Президенти Ёсир Арафот расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон халқи юксак меҳмони самимий қутлаб, ушбу ташриф Ўзбекистон билан Фаластин ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб умид билдиради.

Расмий ташриф муносабати билан ФАЛАСТИН ДАВЛАТИ ПРЕЗИДЕНТИ ЁСИР АРАФОТНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ёсир Арафот 1929 йилда Фаластиннинг Газо минтақасида таваллуд топди.

1944 йилда Қоҳирадаги Фаластин талабалари иттифоқи (ФТИ) га аъзо бўлиб кирди.

1950 йилдан ФТИ ижроия қўмитаси аъзоси, 1956 йилдан мазкур иттифок раиси.

1955 йилда Қоҳира дорилфунунининг муҳандислик факултетида таълим олди.

1955-1957 йилларда Мисрдаги қурувчилик ширкатида ишлаган.

1956 йилда Миср армияси сафида Англия-Франция-Исроил кучлари боқинига қарши урушда иштирок этди.

1959 йилда Қувейтда "Ал-Фатх" сийосий гуруҳига асос солиди.

1968 йилдан Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ) ижроия қўмитаси раиси ва Фаластин халқининг йўлбошчиси.

1970 йилдан Фаластин инқилобий кучларининг бош қўмондони.

1989 йилнинг 2 апрелида ФОТнинг бош органи



Фаластин Миллий кенгаши Ёсир Арафотни Фаластин Давлатининг Президенти, деб эълон қилди.

Инглиз ва француз тилларини яхши билади.

Оилали, фарзандлари бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси.

ТЕРМИЗДА ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Термизда Сурхондаре вилоятининг сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари ва вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган асосий масалалар тўғрисида гапирди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Жўра Норалиев нутқ сўзлади.

(ЎзА).

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Урганча Хоразм вилоятининг сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров Олий

Кенгашнинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида гапирди. Учрашувда сўзга чиққан халқ депутатлари сессия муҳоказасига қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўн олтинчи сессияси олдидан



Гўзал Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан буён ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қатор қонунлар қабул қилинди, ҳукумат қарорлари, Президентимизнинг фармонлари эълон этилди. Буларнинг ҳаммаси давлатни бошқариш, фуқароларнинг эркинлигини таъминлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳамойонлашга қаратилган.

Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг ҳуқуқий асосини таъминлаб беришга қаратилган, меҳнатқашларнинг бурчи ва масъулиятини белгилайдиган қонун ва қарорлар, ҳужжатларга ҳамма жойда ҳам амал қилиниши лозим. Акс ҳолда, улар қорозда қолиб кетаверади.

Сирасини айтганда, баъзан Олий Кенгаш сессияларида қабул қилинган, кенг меҳнатқашлар оммаси томонидан маъқулланган давлат аҳамиятига молик айрим ҳужжатлар маҳаллий идоралар раҳбарларининг лоқайдликлари, назоратнинг бўшлиғи, ижронини текшириш ноқорлиги туфайли изчиллик билан амалга оширилмаётган. Биринчи навбатда ана шундай ҳужжатлар сирасига кирди.

Шу вақтгача республикаимизда ер ости бойлиқларимиздан қандай фойдаланиш, ўша бойлиқлар асли

ҚОНУНЛАРИМИЗ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

қонун ва фармонларнинг бажарилишини таъминлаш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англашларига эришиш керак. Бусиз ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг бўлажак ўн олтинчи сессияси кун тартибига муҳим масалалар киритилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси лойиҳалари

шаҳар кенгашларига сайловлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Тўғриси, Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловлар ҳақида сўз юритилаётганига анча бўлди. Айрим депутатлар ишида янгидан бўладиган сайловлар олдидан феолиқ сусайди, депутатлар ўз ваколатлари даражасида ишламай, жамоат ишларида деярли қатнашмай қўйдилар. Сайловларнинг муддати белгиланиши билан жойларда ўзгача кўтаринкилик билан иш бошланишига имомимиз қомил.

Сўзининг охирида айтмоқчиманки, халқ депутатлари фақат катта-кичик йиғилишларида, сессиялардагина эмас, балки, ҳаётда ҳам, меҳнат жабҳаларида ҳам феолиқ кўрсатишлари зарур. Ана шундангина биз ўз бурч ва масъулиятимизни ҳис этган, сайловчилар ишончини бироз бўлаёди, оқладан бўламиз.

Сойиб УСМОНОВ,
Қашқадарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Халқ депутати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллаганимдан розат хурсандман. Сизга энг эзгу истакларимни илҳор этиб, синақ-саломаатлик ва бахт-савоат, халқингизга тараққиёт ва риваж тилайман.

Чуқур эҳтиромлир ила биродарингиз

Мухаммад Ҳусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА муҳбирлари
хабар қиладилар

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Қарши шаҳар хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан "Ойла — дунё устун" мавзуда хайрия тадбири ўтказилди. Бир гуруҳ ердამга муҳтож оилаларга моддий ердэм кўрсатилди, соғаларга улашди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орилов, Тошкент давлат дорилфунунни профессори, танқид адабиётшунос олим Бегали Қосимов иштирок этди.

ШОЛИ ЎРИМИ ҚИЗҒИН

Қорақалпоғистонда "қарабо" дон топириш қизғин тус олди. Устюрт этакларида жойлашган Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалиги бу борада қарвонбошлик қилапти. 12 миң тонналик марранни қўлаётган мазкур хўжалиқда дастлабки кунлик хирмонга йиллик режанинг уч фоизи микдоринда шולי тўқилди. Бу йил қўнғиротликлар йнғиб олинмак 67,5 миң тонна шолнинг 47,5 тоннасини давлатга сотади.



ОШ ТУЗИ КЎПАЯДИ

Хўжалик ош тузи меҳнат аҳли ватанимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган. Йил бошдан буён қазиб олинган ош тузи 100 миң тоннани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу лаврита нисбатан тўрт мартаба кўлди.

"ФЕРУЗ" ЧОЙХОНАСИ

Санд Мухаммад Раҳимов Соний — Феруз таваллудининг 150 йиллиги арафасида Хева шаҳрида унинг номи билан аталувчи чойхона ишга тушди. Шаҳар шохбегани енгинасида шарқона услубда қурилган бу маскани 295-механизмланган кўчма жамланма бунёдкорлари қисқа муддатда битказди. Хева туман савдо ҳиссасдорлик жамияти ташаббуси ва маблағи билан қурилган чойхонада миллий таомлар, ширинликлар тайерланади.

ШИФОКОРЛАР КЎМАГИ

Ёзёвон тумани марказий шифохонаси ходимлари ҳам айни кунларда ўзларнинг пахтакор ҳисоблашиб, қишлоқларга отланиди. Улар дала шийонларда, қишлоқ амбулаторияларида бўлиб, меҳнатқашларга тиббий ердэм кўрсатишяпти. Суратда: ички касалликлар бўлими мудири Иброҳимжон Ёқубов.

ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма командаси ҳам халқаро майдонга чиқди. Қизларимиз Мадорас шаҳрида Хиндистондаги Тамилнад штатининг биринчи вазири Жавадита хоним таъсис этган анъанавий кубок мусобақасида муваффақиятли иштирок этишди. Майдон эгалари, шунингдек Болгария, Венгрия, Гана, янги Зеландия, Россия, Чили командалари қатнашган бу курашда Ўзбекистон терма командаси ғолиб чиқиб, кичик олтин медалларини қўлга киритди. Республика Футбол федерацияси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2000 йилга қадар спортнинг бу турини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиққан. Дастурда аёллар футболини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

"Халқ сўзи" муҳбири
Лобар ҚУЧҚОРОВА
ёзиб олди.

ИШБИЛАРМОНЛАР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

12 сентябр кунин "Якобс шуккард" компанияси президенти Клаус Якобс бошчилигидаги Фарбий Европа ишбилармонлари делегацияси Тошкентга келди.

Делегация аъзолари ташриф давомида Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокаралар ўтказдилар. Қўшма корхоналар таъсис этиш ва савдо уйлариини очиб борасида фикрлашиб олинди.

РАСТАЛАР МОЛЛАРГА ТЎЛДИРИЛАДИ

Жиззах вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг бозорларини халқ истемоли моллари билан тўлдириш ҳақидаги қарори қандай бажарилаётгани ҳамда пул муомаласини тартибга солиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими Алишер Топхонбоев бошқарди.

Вилоятда иқтисодий ислохотларнинг жадал ўтказилаётгани, кичик ва кўчма корхоналар сон, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хиллари тобора кўпайиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга истемоли молларини кўпайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги қайд қилинди. Бундай камчиликларга савдо ва аҳолига маъий хизмат кўрсатиш тармоқларида иш маданиятини юксалтириш, дўкон-расталарни харидорнинг моллар билан тўлдириш, маъий хизматини янги-янги турларини ташкил этиш йўли билангина барҳам бериш мумкинлиги таъкид қилинди.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев сўзга чиқди.



СУРАТДА: Бухоро вилоятидаги Пешку минадан шед помат напаси, компот, турли хил тўмининг тайерлов савдо бирашмасига қаршили консерва тайерлаш цехининг ишчилари Маъмур Ҳусенов ҳамда Нилуфар Ходиевалар. Улар икки сменада ишлаб ҳар кунин 2 миңдан шед помат напаси, компот, турли хил мевалардан сақин ичимликлар тайерлайдилар. Цехда ҳозирги кунда 14 киши ишлайди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 77 ТА ҚУРИЛИШ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Сўнгги пайтда Сирдарё вилоятида қурилиш суръати анча ўсди. Йил бошдан буён Мирзачўл шаҳар ва қишлоқларида 77 та объект фойдаланишга топширилди.

Шуниси эътиборликки, янги ишоотларнинг аксарияти ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-маъий йўналишдаги бинолардир. Жумладан, Боевот туманида спирт ишлаб чиқариш корхонаси, 420 ҳуқуқига мўлжалланган мактаб, Ховос туманида тикув фабрикаси, Меҳнатобод туманида консерва заводи, Гулистон шаҳрида қурилаётган спиртсиз ичимликлар заводининг биринчи навбати ишга

туширилди. Вилоятда, айниқса, шифо масканлари қуришга катта эътибор берилаётган. Яқинда Ок-олтин тумани ва Гулистон шаҳрида янги туруқхоналар ўз ишчиларини очди. Бахт шаҳрида йирик касалхона қурилади. Бир неча туманларда кишлоқ шифохоналари қад кўтарди. Бир неча янги бозорлар тикланди, эскилари миллий меъмориялик услубида қайта бунёд этилди. Хуллас, Сирдарёда қурилишлар жадал давом этаётган. Бу ҳам бўлса барқарор тинчлик ва осийишталитимиз самарасидир.

А. ШЕРНАЗАРОВ
"Халқ сўзи" муҳбири.

САХОВАТ

Яқинда Самарқанднинг кўна Регистон майдони миң-миңлаб юрдошларини ва хоридан келган меҳмонлар билан тўлди.

мақомчилар ансамбли, Япониядан ташриф буюрган "Мизин" байналмилал ансамбли, Ўзбекистон халқ артисти Насиб Абдул ова ва республикада хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов қатнашди. Улар ижросидаги қўшиқлар ярим тунгача янгради.

Ф. САНАЕВ.

СЕРГАК ТЕЛЕФОН
Трамвайлар ЭСА...
Евқош ШИРИНОВ, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамш 1/4-даҳаси, 18-уй, 55-хонадон:
— Биз, қорақамшиликлар ҳар кунин 27-трамваини соатлаб кутамиз. Эрталаб айни тиклинич вақт — 7.30 — 8 да трамвайлар бир-бирини судраб гаражга кетади. Кечкурун ҳам ҳамма ишдан қайтадиган вақтда яна шу ҳол

такоррланади. Умидимиз сиздан, зора "сергак телефон"ни ўқиб, 27-трамвай ҳайдовчилари сергак тортишса.
ФАРМОНГА ЭЪТИБОР ШУМИ?
Абрай ХУДОЙБЕРГАНОВ, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Охунбоев номи жамоа хўжалиги:
— Маорифчман. Президентимизнинг маорифчиларга

ер участкаси, чорва молларига емиш бериш ҳақида фармонлари чиққан эди. Тўғри, бизга ер участкаси берилди. Фармонда уйни қуриш учун кетадиган ҳаражатнинг 50 фоизи миқдоринда сўзда берилсин дейилган. Аммо банкдан сўзда ололмаямиз. Бундан ташқари июль ойи бошида боллар ва ўсмирлар уюшмаси маркази томонидан "Наврўз" ширкат жамоа хўжалигига 10 тонна сомон

республика бўйича таққилми? Фақат январ ойида тўлиқ берилди, қолган ойларида эса... Биз улуддан озгина иқтисод қилиб, қиш учун ҳар хил турдаги шарбатлар, мурabbo тайерлар эдик. Энди бўлса шакар йўқлиги сабабли бундай ноз-неъматлардан бебаҳра қолдик.

БЕБАҲРА ҚОЛДИК
Турсуно ОЛАБЕРДИЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри, Промшленная кўчаси, 84-А-уй:
— Биз, Оролбўйи аҳолиси меъерлаштирилган 800 грамм шакарни ўз миқдоринда ололмаймиз. Еки шакар

Шу ернинг ўнда Самарқанддаги турли корхона ва ташкилотлар, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари хайрия марафонини фондига ўзларининг пул маблағларини ўтказдилар.

ОЛИЙ КЕНГАШ Кўмиталарида

УЧ ЙИЛЛИК МЕХНАТ САМАРАСИ

Маълумки, Олий Кенгашнинг бўлажак ўн олтинчи сессияси кун тартибидан "Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги кодекс" лойиҳаси ҳам ўрин олган.



— Хар қандай мустақил давлат табиий бойликлари муҳофазасини ўз қўлига олмас экан, бу ҳол пировардида оғир оқибатларга олиб келиши тўғрисида гап. Чунки табиий бойликлар мамлакат келажакни белгилайди.

қўмитасида фанимизнинг турли соҳаларида хизмат қилаётган, табиий бойликлар бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлган кўплаб олимлар йиғилишган.

Сўхбатни "Халқ сўзи" мухбири Гафур ШЕРМУХАММАД езиб олди.


НИҲОЯТ, ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ГУГУРТ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ

(РЕПОРТАЖ)



Мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида кўплаб саноат корхоналарида табиий газдан табиий газга ўтказилиши амалга оширилди.

атрофида гугурт чиқараёلمиз. Ишларимизнинг кетиши кўнгилдагидек. Иқтисодиётда яратилган эркинликлар тўғрисида 2 ойдаёқ қарарларимизни уздик.



Жараён гугурт чўпларини тайёрлашдан бошланади. Ҳамроҳимиз — ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Т. Ҳожирахимов ҳар бир юмушни батафсил изоҳлайди.

Магазинга одатдаги ташириларнинг биринчи қўлдан гугурт харид қилишга тўғри келди. Бунинг қарангки, ўзига хос ишланган яшил кутидида бу ашёнинг ёзувлари ўзбекча бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган экан.

Тиркичликни гугуртсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, унинг ўзи ҳам мукамал ижод намунаси.

Юришиб кетди. Қисқа муддатда тайёрларлик ишлари амалга оширилди, мутахассисларимиз эса Грецияда бўлиб қайтишди.

жойлаштирилган минглаб чўплар энди навбатдаги ишловлардан "қочиб кутила олмайд"и. Конвейер айланиб, диски радиаторга узатади, чўплар эса 130 даража атрофида қизиб турган суяқ шамга ботирилади.

САХОВАТ Тадбиркор Маҳмудов ўз қишлоғида мактаб қурди

Қувасойда биринчилардан бўлиб хусусий фирма ташкил қилган Набижон Маҳмудов ўзи ўқиб, билим олган Пастки Валик қишлоғидаги мактаб биносининг эскириб, замон талабига жавоб бермай қолганини кўриб, дилдада ҳамқишлоқлари учун янги мактаб қуриб бериш иштиёқи тугилди.

Бу ҳақда шаҳар ҳокими Аскарал Раҳмоналиев билан маслаҳатланди. Ҳоким уни қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида бутун бир мактабни ўз шахсий фирмаси даромади ҳисобидан қуриб бериш — айтмоққа осон. Лекин Набижон ака бу ишга қатъий киришди. Қурилажак мактабнинг лойиҳа хужжатлари 1985 йилдаёқ тайёрланган, лекин маблағ масаласи ҳанузгача муаммо бўлиб турган эди.

Мактаб қурилиши бошланган кундан Набижон аканинг оёғи ерга тегмайди. Ахир қозир қуришдан қийин йўқ. Бир топилса, иккинчи томонидан камчилик чиқади. Лекин у елиб-югурди, турли ташкилотлар билан алоқа қилиб, қурувчилар ишининг бир маромда кетиши учун ҳамма имкониятларини топди.

Мана ақинда бу ерда биринчи бор қўнғироқ овози янгради. Валикларнинг фарзандлари кенг, еру ҳоналарда янги парталарда ўтириб билим олабашладилар.

Мактаб қурилиши учун 1 миллиард 160 миллион сўм-купон харж қилинди. Бу маблағ Набижон Маҳмудовнинг хусусий фирмаси "Имкон ЛТД" даромадларидан сарфланди.

Унинг хайрли ниётлари ушалишига тилакдошимиз.

Соҳибжон САЙФИДИНОВ, Қувасой шаҳар "Дустлик байроғи" газетаси муҳаррири. Набижон СОБИР, "Халқ сўзи" мухбири

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Қамаши туманидаги "Оқраб" жамоа-ширкат хўжалигининг Тилов Чапаев бошлиқ бригадаси пахтакорлари йиллик режани бажарди.

Тумандаги "Фарона" жамоа-ширкат хўжалигининг Рўзбой Товашаров, Абдуғофур Тилововаб етакчилиги қилган бригадалари ҳам дастлаб дондан ошди.

Хар учала бригада деҳқонлари виллоятнинг 70 йиллик тўғра қадар 40 центнерлик маррани эггалашди.

Айни пайтда қамашлик пахтакорлар кунлик суръатини оширди.

Туман пахтакорлари 29 минг тонналик юксак хирмонни оқтариб олинган биринчи кунда барпо этишди.

Х. ТЕМИРОВ.

ТЎҒРИ-ДА, ҲАММАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛСА, УЛАРГА НИМА ҚОЛАДИ?

Бошқа виллоятлардаги сингари Сурхондареда ҳам ҳамма нарсани хусусийлаштириш мумкин. Аммо мен жуда қаттиқ шуғулланб, хусусийчиларнинг орасидан биронта "бегона" одамни тополмадим — ҳаммаси "ўзимиздан".

Хуллас, гапнинг бошида тилга олинган "Шўрчи" ресторанига худди шундай қуларда З. Умарова деган аёл харидор бўлди. У бу ерда хабар бермасди, дейишди. Мен "бегона" деганимда ана шунинг назарда тутган эдим.

Сурхондаренинг Шўрчи туманида "Шўрчи" деган ресторан бор: "Ором" оваткланиши — ҳиссдорлик жамиятига қарайди.

Ресторан "Ором" ҳиссдорлик бирлашмасига қарайди. Аммо ерда хусусийлаштириш бўйича комиссия йўқ. Лекин "Ором" қарайдиган "Шўрчи" савдо-ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятида худди шундай комиссия бор ва 60 дан зиёд дўхонларини умумий оваткланиш корхоналарини шахсийлаштириб берган.

Абдурахматовнинг айтишига қараганда, улар З. Умарованинг аризасини муҳокама (расмий) қилиб ўтиришмаган. Шу орада З. Умарова туманининг раҳбарлари билан бу ҳақда гаплашди.

Дастлаб, базанлар унинг бу ҳаракатини "қуллқ бўлсин!" деган сўзлар билан мақуллашди. Аммо, кейинги оёқ устидаги муҳокама чоғида "Нега энди сен олишинг керак экан шу ресторани, балки мен оларман, балки фалончи олар, нима, у сенинг пешонангда эзиб қўйилганми?" деган гап айтилди.

Ана шундан сўнг З. Умарованинг қўлига, юқори ташкилотларнинг қўрсатмасига мувофиқ даромад келтириш-келтирилмаслигидан қатъий назар, шахсийлаштирилмаслиги тўғрисида расмий хат берилди.

Ана шундан сўнг у "Халқ сўзи"нинг муҳбирига мурожаат қилди. Мен ҳам унинг гапларини тинглаб, қўйиб бўғиндаги раҳбарларнинг Президентимиз Фармонларини ижро этишда ана шундай бирақдамлик ва, масъулиятсизларча йўл тутатганлигидан таажубландим.

Тождин РАЗЗОҚ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистонда истикомат қилувчи аҳолидан, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларидан иштиёрларидан бу бугун керакисиз қозоғ ва улар чикиндиши беҳуда ёқиб юбормай, комбинатини жойларидан қабул пунктларига топширишларини илтимос қиламиз.

Table with columns for location (e.g., Самарқанд шаҳри, Фаргона шаҳри), address, and phone number.

Қабул пунктлари манзили

Table with columns for location (e.g., Тошкент шаҳри, Самарқанд шаҳри), address, and phone number.

Маълумот учун телефонлар: Ангрэн шаҳри 3-57-28, 3-74-09; Тошкент шаҳри 41-34-10

Қадриятларимиз

Миллодан аввалги маданий ҳаётдаёқ ўз кашфиётлари билан инсониятни лол қолдирган илк қуддорлик давлатлари Шумер, Аккад, Оссурия, Миср билан беллаша олган Ўрта Осиёда — Турон заминда "7" рақамига алоҳида эътибор билан қаралган.

Юнонлару румликларга "етти"ни алоҳида эъозлаш одати анча кейин кириб келган. Бу борада улар буюк Шарқ маданиятидан ибрат олганлар. Бирок, афсусларга қарши, "Евроцентризм" доктринасини эър бериб тарғиб қилганлар, маданий анъана бешиги илк бор оқсоқ Шарқда тебратилганини ҳаспўшлашга интилганлар. "7" рақамини алоҳида қадрлаш Оврупода, ана ўша "семь раз измерь, один раз отрежь"дан бошланган дея, ривоятлар тарқатиб келганлар. Аслида эса, бу азалий мақол ҳам ўз индаллосини Шарқдан олган бўлиб, Оврупога ана ўша муқаддас "7" рақами боис кириб келган. У ерда бу рақам (шу жумладан юнонларга ҳам) авваллари муқаддас саналиб, эъозланганини мана бу тарихий воқеадан ҳам билса бўлади.

Геродот буюк Вавилонни (Бобилини) зиерат қилди, айниқса, машхур осмонулар минора уни лол қолдирди. Бу ўзига хос бир шаҳардаги "шаҳарча" эди, пиллаполарини санаб, тағига етиб бўлмасди, у "7" боққичдан иборат бўлиб, ҳар боққичи ўзига хос чиройга эга, ҳатто истироҳат боғчалари ҳам мавжуд бўлиб, энг юқори ҳисобланган "еттинчи" боққичида ибодатхона жойлашган. Машхур юнон тарихчиси Геродот ушбу ҳашаматли иншоотни кўриб нанки лол қолди, балки у ҳақда келгуси авлодларга қимматли маълумотлар қолдириб кетди. Аммо у хатолликка ҳам йўл қўйган эди. Чунончи Вавилон (Бобил) миносарини саккиз боққичдан иборат дея, эзиб кетганди. Агарда Геродот "7" рақами муқаддас эканлигини билганида ва вавилонликлар ўзларининг беназир миносарларини бежиз етти боққичдан иборат қилиб қурмаганликларини идрок этганида эди, уни "саккиз боққичли" дея маълумот қолдирмаган бўларди...

"Евроцентризм" корчалонлари дастлабки созу муслиқий эзувининг ҳам кашф этилишини Оврупога тақаб, буларнинг бешигини дастлаб юнонлик Пифагор тебратган дея, нотўғри маъъуллотлар тарқатиб келишган. Шарқ тарихи жуда қадим илдизга эга эканлиги ҳаспўшланган. Аслида эса, энг дастлабки соз на найсобира ва на камон, гижжак, дан-добра, на ноғора, балки "қайроқ тош" бўлган. Ибтидоий "тош даври"да Турон заминда, аниқроқ "Ховарзам" — Қуешли ўлка (Хоразм) да дастлаб кашф этилган муслиқ асбоби қайроқтош эди. Шу боис "Қайроқ-ўйин" ханузгача Хоразм халқ ўйинларию, тароналари жаўр бўлиб келмоқда... Сибизга, гижжак-камонлар ҳам "Қайроқ"дан кейин кашф этилган созлардир. Тўғри, Пифагор (утқир кашфиётчи — математик) "7" рақамли, етти "тоқча" — белгили "нота эзуви"нинг Оврупода дастлабки ихтирочиси деб тан олинган. Аммо, бу дегани ушбу йўсиндаги эзувини фақат Пифагор кашф этди, ундан авваллари бунақанги эзувлар ихтиро этилмаганлиги дегани эмас. Қолаверса "нуқта эзуви" (нота эзуви) ни оссурияликлар Пифагордан 800 йил аввал кашф этган эдилар. Бу эзувини Турон заминда ҳам қадимдан яхши билганлар. Агар билмаганларидея хоразмликларнинг "нуқта эзуви" намуналари бизгача етиб келган бўлармиди?!

Муқаддас "7" рақами Турон замин, Мовароуннаҳрда уруғ қонини айнитмаслик ва покиза туттиш, бу борада авлодларни асраб-авайлаш, зурриятларининг мустаҳкам ҳибзи-сиҳатини таъминлаш ҳақида жиддий раҳмхўрликлар кўрсатишда ҳам қўлланиб келинган. Ўғил уйлантириш, қизни турмушга беришда "етти пушти" жиддий, синчковлик билан суриштирилган, житарларнинг ўзаро турмуш қуриши эса маъъ этилган. Буюк авлодларимизу аждодаларимиз Исроғмаҳса сининиб келган, оташарастларнинг муқаддас "Ал-есто" (Авесто) китобида ҳам қариндошларнинг ўзаро оила қуриш масалалари қаттиқ қораланган, қони ақинларнинг "нихон"и ҳатто маъъ этилган. Умуман олганда, оташарастларнинг буюк раҳнамуни Зардушт қомусий билмирга эга бўлиб, "мадди-сина" (медисина) ни ҳам яхши билган. Гипократдан анча аввал қатор тиббий муаммоларини ҳал қилган.

Юнонлар "Авесто"дан миллодан аввалги асрлардаёқ хабардор эдилар. Бу ҳақда машхур олим Плиний хабар бериб, ушбу муқаддас китоб миллионларча байтлардан иборатлигини айтади. Искандар Зулқарнайи ҳам "Авесто"ни яхши билган, ўн мингдан зиёд қора мол терисига езилган ана ўша миллионларча байтлардан зарурларини ажратиб олиб, табиий эттирган, масҳабига, гоғларига тўғри келмайдиганларини қулханга ташлаптирган.

Маълумки, Зардушт таълимотида "Зороастризм" доктринасида инсонларварлик жиддий аҳамият касб этган. Шу боис, Искандар армиясида Туронга яқинланган тажовуздан сўнг ўзгача қайфият, руҳият пайдо бўлган. "Авесто" таълимотиға-этиқоқ қўйган аскарларда меҳр-шафқат қучайган, буцайлар забт этилган жойлардаги аҳолини қириб ташлашга унчалик ружу қўймаганлар, ўзга мафкураға ҳирс қўйган аскарлар эса тошмехрлиги, муруватсизлиги билан қўзта ташланиб турган. Асрлар ўтгач, Алишер

қуйдагилардир: Инсондаги қорачиғли икки қўз ва ана ақл қўзи, иймон-виждон қўзи, дил қўзи, ҳибзи сиҳат қўзи, аҳлоқ-одоб қўзи. Хонпошша отининг таъби назмлари ҳам бор эди, у киши ўз мисрларида ҳам "7" рақамининг ажайиб фазилатларини акс эттиришга ҳаракат қилардилар:

Эй ўғил, асло унутма Етти пуштинг борлигини. Шу муқаддас "етти"нинг Умринг узра ерининг. Сен ҳаминча едла тутти. Билмаганлар олдинги, Ким бунн етмас пасаид Кўрди насиди зорининг. Идрок этсан етти пуштинг, Кўрмам, шум бадкорлигинг...

Этибор берайлик-а, соддагина қўринган ушбу мисрлар ўзида нақадар катта мазмунини жамлаган. Зурриятлар етти пуштини унутмасликка, ўз аждодалари ким бўлганлигини билишга давбат этилмоқда.

Етти пуштинг, қон, тан соғлиги сенга ер бўлса сен ҳам соғлом авлод бўлиб, умр сурасан дейилмоқда. Етти пуштини суриштирмай, яхши билмай ҳаёт қуриган ҳатто уятли, азиятли аҳволларда ҳам қолганлигиға шаъмалар этилмоқда. Етти пуштини суруштирмай, ниҳок қуришлар зурриятсиз қолган, насдан зорлангани ҳам эслатишмоқда. Ҳар бир зот етти пушти кимлар бўлган, қандай яхши одамларнинг зурриети эканлигини едла тутса, албатта бундай кишилар шум, бадкорликлар қилавермаслиги ҳам

утқирилмоқда... Хонпошша ая ҳар бир киши ўз зиммасида етти бурч борлигини унутмаслиги, унга ҳаёти мубойинча амал қилиб келишини жуда кўп уқтирадидлар. Яъни:

- Яратганин унутмаслик, ҳоқимга нописанд бўлмаслик;
- меҳнатсиз қун қўрмаслик, ўзгалар мулкига тажовуз этмаслик;
- етти пуштинг хотирда сақлашлик, ўтганларини еддан чиқармаслик;
- ҳасад, фиску фужур этмаслик, ренкорлик қилмаслик;
- ниҳонсиз-турмуш қўрмаслик ва бола орттирмаслик;
- билим орттиришдан, хунар эгаси бўлишдан толмаслик.

Ушбу "7" рақами халқ нақдларини мақолаларида ҳам ўз аксини топаётганининг гувоҳи бўлмади.

Халқ топишмоқларида ҳам "7" рақами ўрин олганини кўриш мумкин, масалан: "Пақ-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор..." Мана бу топишмоқни эса, ўша раҳматли беназир тарбиячи Хонпошша отин назимий аснода битиб кетгандилар:

Миллодан аввал топди таваллуд, Шарқ унда асли маскани — мавлуд. Мозийдан ўзин муҳрлаб кетди, Олам аҳлини сеҳрлаб кетди... Дарҳақиқат, Хонпошша ая топишмоғидаги "Камалак"нинг етти ранги ханузгача ҳамма-ни ўзига оҳанрабодек жалб этиб келмоқда.

Тил тарихимиз, имло маданиятимиз ҳақида сўзлайдиган бўлсак ҳам "7" рақами билан боғлиқ асноларға қўйлаб дуч келишимиз мумкин.

Ҳали "Етти сайёра" (планета) билан боғлиқ гаройиб илмий кашфиётлар қилиш, етти оҳанг ердамида янги-янги "Етти гузал"ларни яратиш, етти ранг ишлаувидея янгидан-янги "Секстин мадоннасини" муҳаззабий матолағға тушириш, "Етти жаннат" мисоли боғ-роғлар, миллий чорбоғлар бунед этиш, ақли доиниш ва ақли салоҳият иждоқорлини боис етти иқлимни покиза, губорсиз тутиш ва Аллоҳнинг беназир инъоми бўлган Инсон зотининг умр узунлигини хосиятли ишларға сарф этиш даври мана энди келаяпти. Мустақиллик мафкураси бундай хайрли интишларға мовий йўллар очиб беришга асло шак-шубҳа йўқ.

Баҳриддин НАСРИДИНОВ, Тошкент давлат маданият институтининг кафедра мудири.

Ҳамкасбларимиз



32 ЙИЛДАН БУЁН ЧЎЛ КЕЗАЁТГАН ЖУРНАЛИСТ

Ҳар куни радио мурватини бураймиз-у, қуйдаги сўзларини эшитамиз: "Сирдаре вилоятидаги мухбиримиз Усмон Каримов ҳикоя қилади", "Телефонда сирдарелик мухбиримиз Усмон Каримов". Ҳа, бутунги кунда Мирзачўл, Жиззах чўллари ҳақида сўз борса, дашт ўрнида ястаниб етган бепоён пахтазорлар, галлазорлар, боғу-бўстонлар қўз ўнгимизда намоеён бўлади. Мамлакатимизнинг турли ерларидан отланган азамат чўқуварлар бу ўлкани ана шундай гулистонга айлантирдилар.

эгеретиклари даврасида, индига эса галлазорлар орасида... "Мен ўзимни чўлқувар ҳисоблайман, — дейди Усмон ака, — Умримнинг 32 йили чўлда ўтди. Радио журналистлар Исро Усмон, Раҳим Олимов, Бурхон Зиев, Рустам Раҳмоновларнинг ҳаёт ва ижод мактабидея таълим олиб кам бўлмадим. Ижодларимнинг бош қаҳрамони бунедкор халқим бўлди. Мана уч йилдан зиеддири мамлакатимиз узра истиқлол шабадаси эсмоқлар. Халқимизнинг асрлар мубойиндаги орзу-истаклари рўебга чиқди. Бугун сирдареликлар ҳам ана шу истиқлол шабадасидан баҳраманд бўлиб, мустақил давлатимизнинг ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг турмуши, бунедкорликдаги изланувчан фаолияти эса меннинг иждоимнинг бош мавзуди.

Мен билан кўп йиллардан бери ишлаётган Гулом Шомуродов, Ражаббой Бобожонов, Облоқул Усмонқулов, Хўжавар Зўраев, Абдулла Райимжонов, Тулберган Ембергеновлар сағиға бутунги кунда Советлар Ражабов, Нортжон Зиев, Мамадали Эргашев, Боймурод

қулайликлар яратилган ўқув-машғулот базасига эга бўлишди. Янги автобус ажратилди. Бир пайтлар "Зарафшон"дан кетган "легионер"лар жамоаға қайтарилди. Хуллас, буеги чет эл жамоаларидаги каби тус олди. Энди фақат ўйнаш, ютиш керак эди. Шундай бўлди ҳам. Жамоа биринчи даврада 17 ўйинда ўз дарвозасидан атиги 14 та тўп ўтказиб юборди. Жамоа ҳужумчиси Юрий Худоеров Ўзбекистон олимпия терма жамоасига тақлиф қилинди. У бугунги кунда жамоанинг энг маҳоратли ҳужумчиси. Халқимизда "Оч бола тўқ бола билан ўйнамайди" деган нақл бор. Бунинг "Зарафшон" жамоаси мисолида тасдиқлаш мумкин. Жамоа бақувват хомий хамкорлигида бир неча ойдаёқ ўзини тиклаб олди.

Спорт, спорт, спорт

ГАЛАБА ҲОМИЙГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Навийнинг "Зарафшон" футбол жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг I-лигасида биринчи даврани етакчи бўлиб ақуналади.

қулайликлар яратилган ўқув-машғулот базасига эга бўлишди. Янги автобус ажратилди.

Навийликлар "Зарафшон"нинг бундай муваффақиятини анча соғиниб қолишган эди. Боис — уларнинг севишли жамоаси бир неча йилдирик, ўйинлари қовушмай, ўртада юришарди. Шу боис бўлса керак, ҳали-хануз мухлислар қувонч билан бу муваффақиятлар калитини қидиришмоқда.

Жамоа шу йилнинг 28 февраль ойида рўйхатдан ўтди. Навий тўғ-металлургия комбинати клубнинг таъсисчиси бўлди. Комбинат ердами туғайли молиявий таъминот яхшиланиб, ўйинчилар зарур спорт ашёлари ва жиҳозларини олинди. Галаб даражасидаги ўйин майдони, 30 кишилик етоқхона, барча

Т.ШЕВБОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Биз ва жаҳон

СИАНДА ҲИШАДИ

Сўнгги вақтларда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг халқроқ алоқалари кенг ривожланмоқда. Айни вақтда ушбу олий ўқув юртининг 220 дан ортиқ талабаси 9 та хорижий юрда таҳсил олмақда.

Куни кеча Хитой Халқ Республикасидаги Сиань давлат маориф институти билан ҳам шартнома имзоланди. Бундай ҳамкорлик ўтган ўқув йилидан бошланганди. Тошкент шарқшунослик институтининг 13 нафар талабаси Сиань давлат маориф олийгоҳида таҳсил олган бўлса, ўз навабидея ушбу институт талабалари Шарқшунослик институтига юборилганди. Бу йил ҳам талабарлар алмашиши давом эттирилди.

Сиань давлат маориф институти ректори Дин Чун Линнинг таъкидлашиче, янги имзоланган шартнома ҳар иккала олий ўқув юртирари ўртасидаги алоқалар ва ўзаро таъбире алмасуларини янада мустаҳкамлайди.

МЕХР-ШАФҚАТ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Ҳамза номдаги санъатшунослик институти илмий ходими Гулнора Камолова Белгиянинг Гент шаҳри университетидея ГАРБ ва Шарқ маданиятларини ақинлаштириш масалалари орасидан қисқа муддатли илмий изланишлар олиб борган эди. Кутилмаганда унинг фаолияти бошқа йўналишда ҳам давом этди: Орлобўйидаги аҳволдан хабар топанг хорижий ҳамкасблари экологик кулфатға учраган бу минтақаға инсонларварлик ердами беришға эҳд қилишди.

Гент университетини вакиллари — профессор Генрих Пинстон ва ассистент Иван Хойтеман Гулнора Камолованинг юртиға қайтавганини эшитиб, унга тақлим дорн-дармонлар сонинган этакли киллоки иккита кути ҳада этишди. Гулнора эса, хорижий ҳамкасбларининг совғасини республика Соғлиқни сақлаш вазирлиғига топширди. Дорн-дармонлар зудлик билан Қоракўлпоғистонға йўнатилди.

Ўзбекистонлик тиббий ходимлари Гент университетига мактуб юбориб, эътибор ва совға учун белгиялик олимларға миннатдорлик билдирдилар. Мактубдея бу эзгу иш халқларимиз ўртасида мустақамлашиб бораётган дўстлик ва яқинлиқнинг яқлоқ намунаси экани алоҳида таъкидланганди.

Л.СТРУНИКОВА, ЎЗА мухбири.

ГОССТРАХ Суғурташувчилар манфаатларини зимоя қилиш мақсадида давлат суғурта ташкилотлари 100 фоизли индексациялашни амалга оширади. 1994 йилнинг 1 августидан кейин тузилган шартномалар бўйича 50 дан 600 фоизгача индексация белгиланган. Ҳаёт суғуртаси маблағ тўплаш ва уни қарсизланишдан сақлабтина қолмасдан, балки ўз ҳаётининг ва соғайиниғизни моддий жиҳатдан муҳофаза қилиб қўйишиниғизни таъминлайди ҳам. Сизни қизиқтирган саволларға жаовоб олиш учун республикамизнинг барча туманлари ва шаҳарларидаги давлат суғурта бўлимаалариға мурожаат этишиниғиз мумкин. Тел. 76-93-25 Факс 76-99-87 76-93-28

"Иссиққў" (Аврора) - энг яхши санаторий! Сиз баҳмал фасл мавсимида арзон ва қўлай дам олишни истайсизми? Биз барча ҳоҳловчиларни сўлим қўл соҳилларида дам олиш ва даволаштишга тақлиф этамиз. Муқддати чекланмаган. Телефонлар: (қоғ 31943) 44-543, 44-870, 95-389.

"Сименс" (Олмония) акционерлик жамияти - Ўзбекистон ҳамкорликнинг тиклашини Жаҳонга машхур "Сименс" фирмасининг Ўзбекистон телекоммуникацияларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик бошлаганиға 90 йил бўлди. "Сименс" фирмаси 1904 йилда Тошкентда ҳамма фойдаланадиган биринчи телефон станциясини ўрнатган эди. 1904 йил 7 сентябрда махсус комиссия томонидан станцияни фойдаланиш учун қабул қилиб олиш тўғрисидаги актға имзо чекилди. 1904 йил 15 сентябрда эса коммутатор уйлариға "Сименс" фирмасининг столга қўйиладиган ва деворға осиладиган телефон аппаратлари ўрнатилган тошкентлик абонентларға хизмат кўрсата бошлади. Телефон симларини туташган жойлари "Сименс" фирмасининг мис муфталари билан маҳкамланганди. Ҳамкорлик тикланмоқда! "Сименс" акционерлик жамияти ана Ўзбекистонда! Маҳаллий энг замонавий рақамли электрон АТСлар, жаҳон андозасидаги халқроқ телефон станциялари, сафдаги иншоотлар учун энг янги асбоб-ўсуналар. "Сименс" акционерлик жамияти режасидан қуйдаги юмушлар ўрин олган: Тошкент-Самарқанд, Самарқанд-Термиз участкаларида таҳриба-толали кабель магистралини қуриш учасидан лойиҳалар тайёрлаш; республиканинг бир қатор туманларида қишлоқ телефон алоқасини қайта қуриш; Тошкентда алоқа кабелларини ҳамкорликда ишлаб чиқаришда қатнашиш. "Сименс" акционерлик жамияти Тошкентда, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда катта қувватға эга бўлган рақамли маҳаллий ва транзитли халқроқ телефон станцияларини тиклаш ниятида. "Сименс" акционерлик жамияти трансобие-европа кабель магистралини қуриш лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон билан бошланган ҳамкорликнинг 90 йиллиғини нишонлар экан, "Сименс" акционерлик жамияти доимо келажакни кўзлайди! "Сименс" акционерлик жамияти.

